



Куръон ёдлашнинг йўллари турлича бўлиб уларнинг баъзилари булардир:

1. Аллох учун холис бўлиши, риё – хўжакўрсинга бўлиб қолишдан сакланиш. Чунки киёмат куни жаханнам биринчи бўлиб, «Кори» дейилиши учун Куръон ўқиган киши учун киздирилади. Сизнинг Куръон ўқишдан максатингиз Аллохдан бўладиган ажр-мукофот ва қуйидаги ҳадисларда зикр қилинган мартаба ва даражалар бўлсин!.

Охиратда: «Ўқи ва юкори даражага кўтарил, дунёда тиловат қилганинг каби тиловат қил, сенинг манзилинг сен ўқиб бориб тўхтаган энг охирги оят олдидадир», дейилади. (Бу ҳадисни Термизий: 2914 ва Абу Довуд: 1464 -ҳадисда Абдуллох ибн Амр ибн ал Ос (розияллоху анхумо)дан ривоят қилдилар).

Расулуллох (саллаллоху алайхи васаллам): «Сизларнинг яхширогингиз Куръонни ўрганиб, уни ўргатган кишидир», дедилар. (Бу ҳадисни Бухорий 5027- ҳадисда Усмон (розияллоху анху)дан ривоят қилганлар).

Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилиб, дедилар: Расулуллох (саллаллоху алайхи васаллам): «Одамлар орасида Аллох таолонинг аҳли бордир, — дедилар». Ё Расулуллох (саллаллоху алайхи васаллам), улар қимлар? — деб сўрадилар: Пайгамбар (саллаллоху алайхи васаллам): «Улар Куръон аҳли, Аллохнинг аҳли ва унинг хос қишларидир», дея жавоб бердилар. (Ибн Можа саҳих санад билан 215- ҳадисда ривоят қилдилар).

2. Замонавий янги жиҳозлар ва алоқа воситаларидан фойдаланиб тоқатингизга қараб, мумкин қадар қироатни тузатиш. Бирок булар қироатни яхши қиладиган устоздан беҳожат қилолмайди.

3. Ёдланган жойларни дафтарга белгилаб қўйиб, бир ҳафта, ўн кун ёки узоғи билан икки ҳафтага бўлиб, узунликсиз такрорлаб турасиз, токи бу эсда яхши сакланиб қолсин.

4. (3 рақамда айтилганидек) Белгиланган қўллик ўтган дарсларни такрорлаб бўлгандан сўнг янғисини ёдлашга қиришинг. Агар такрорни яхши қилмаган бўлсангиз, янги ёдлашга қиришманг. Бу сизга фойдали ва тез ёдлашингиз учун яхшидир.

5. Янги ёдлаганингиз мустаҳкам бўлиши учун шу қўлнинг ўзида қўлнинг етганича такрор қилинг.

6. Янги ёдлаганингизни тўрт кун кетма-кет такрор килинг, сўнг (3-ракамдаги) умумий такрорга кўшиб кўйинг.
7. Озрок бўлса ҳам зеркиш ва малолланиш хосил бўлмайдиган микдорда ёдланг. Гап узлуксиз давомли ёдлашдадир. Чунки йўлда тўхтамай юрган манзилга етади, отининг чопкирлигига суяниб дангасалик килган одам манзилга ҳам етолмайди, отини ҳам халок килади.
8. Факат бир хил Куръондан ёдланг, уни бошка нусхага ўзгартирманг. Агар ёзуви катта-катта бўлса, ёдлаш хатодан холирок бўлади.
9. Янги ёдлаганингизни аввалгиси билан бошланг. Аввалги дарснинг охириги оятини янги ёдланган дарснинг бош ояти билан доимо боглаб кетинг.
10. Агар араб тилини билсангиз, мухтасар тафсирлардан фойдаланинг, тушуниш билан ёдлаш тезлашади.
11. Ёдланган сураларни намозда ва холи вақтингизда ўқишни машқ килинг.
12. Такрорлаш тўла суратда давом этиши учун ҳафтада бир кунни тайинлаш лозим. Бу кунда кайтара олмай колган кунларингиздаги қарзларингизни адо киласиз.
13. Ўзингизга муносиб вақтларни танлаб олинг, ақл жамланиб турганда ёдлаш ҳам осон, ҳам яхши бўлади.
14. Аллоҳга боғланишни ва сизга Куръонни ёдлашни енгил килиши ҳамда бу ишда сизга муваффақият беришини сўраб дуони кўпроқ килинг.
15. Гуноҳлардан сакланинг. Хусусан, кўз ва кулок гуноҳларидан сакланинг. Куръон ёдлашнинг булардан бошка йўллари ҳам бор, уларни зикр килсак, гап чўзилиб кетади. Уларга кўпроқ изланиш ва ўзингиз қаби ўртоқларингиздан сўрашлик билан эришасиз.

Аллоҳ сизга тавфик берсин ва сизу бизни Куръон ахлидан килсин!